

# Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 42

“ 10 ” январь 2022 йил

Хонка тумани

Хонка тумани болалар санаторияси туридаги ИДМИ нинг қуйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари \_\_\_\_\_ шахслигида бир томондан, иккинчи томондан “Урганч нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти Хонка филиалининг қуйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан ишончнома асосида фаолият юритувчи бошлик Ж Отабоев шахслигида, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузилди.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотларини нгури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	сумма	тн	сумма	тн	сумма	тн	сумма		
Учок ёнилги		8091387,0		2,3	18610190,01								

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг умумий суммаси \_\_\_\_\_ 18610190,01 \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилди. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасаруфидоги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қуйидагилар барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга рухсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефть маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефть омбори ҳамда нефть маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефть маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситасида нефть маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефть омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хоҳишига қўра “Етказиб берувчи”нинг нефть омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишночномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортида етказиб берилганда, темир йўл накладнояига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденцати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот махсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно нефть база ёки талабига биноан амалга оширилади.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4664-сонли қарорига асосан ва “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020 йил 30 апрелдаги 28-02-98/263-сонли ҳатига асосан бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига қўра шаклланган ўртача биржа нархларида сотади. Автобензин Аи-80 нефть база МЧЖ томонидан товар хом ашё биржасидан сотиб олинган тикетларга устама қўйилган ҳолда етказиб беради.

2.10. “Етказиб берувчи”нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

2.11. “Истеъмолчи” томонидан унинг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнги ва техника хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

## 3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. “Истеъмолчи” олаётган нефть маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорида «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. “Етказиб берувчи”нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига қўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклланган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть махсулотларини "Етказиб берувчи" таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть махсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть махсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектларга қўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефть махсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

#### 4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:
- а) "Етказиб берувчи" нефть базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть махсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;
- б) "Истеъмолчи" транзит орқали махсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.
- 4.2. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи "Етказиб берувчи" корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.
- 4.3. Нефть махсулотларини миқдор ва сифати бўйича "Истеъмолчи", "Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида" ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

#### 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

- 5.1. "Истеъмолчи" нефть махсулотларини олаётган вақтда жойида махсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.
- 5.2. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортиш ва қузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.
- 5.3. Нефть махсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- 5.4. «Етказиб берувчи» "Истеъмолчи" га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть махсулотларини етказиб беришни қафолатлайди. Хар икки томон нефть махсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Шартноманинг хар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир. Нефть махсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.
- 6.2. "Истеъмолчи" нефть махсулотларини саклашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.
- 6.3. "Истеъмолчи" белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун "Етказиб берувчи" га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.
- 6.4. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунга биноан қўлланилади.

#### 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

- 7.1. Хар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар:
- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,
  - нефтникайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш хажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

#### 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1.

#### 9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШINI ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

- 9.1. Мазкур шартнома киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан хал этилади. Иккала томон мустақил хал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида хал этилади.
- 9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.
- 9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтади ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.


#### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Етказиб берувчи»

«Урганч нефть базаси» МЧЖ Хонка филиали  
Х/р: 22604000704268518701  
МФО: 00432 ИНН: 204589421  
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ  
Тошкент ш. Яшнобод филиали  
Хонка туман Ишироқ куча 17 уй  
тел. 39-91-308

Директор:  Ж Отабаев

«Истеъмолчи»

  
Ҳисоб рақами: 208230282  
Қўқоқ: 92310

Раҳбар: 

Ҳуқуқий ҳулоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуни талабларига зид эмас.

Ҳуқуқшунос:  А Атажанов